

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

347 Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини
ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисида-
ги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1718-1*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 15 июндаги 01-02/8-3, ЭГ-01/10-3339, 20, 58-сон (рўйхат рақами 1718, 2007 йил 20 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 398-модда) қарори билан тасдиқланган Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш,

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 28 июнь,
01-02/8-38-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 28 июнь,
2-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2016 йил 28 июнь,
116-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 28 июнь,
47-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий
алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги,
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг
2016 йил 28 июндаги 01-02/8-38, 2,
116, 47-сон қарорига
ИЛОВА

**Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш,
ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлган товарларга тўланган алоҳида божхона божлари суммаси, тўловчи томонидан божхона расмийлаш-

тируви амалга оширилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат такдим этиш шарти билан (товарларига алоҳида божхона божлари жорий қилинган мамлакатлар бундан мустасно), Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 353-моддасига мувофиқ қайтарилади ёхуд дастлабки пул маблағлари ҳисобига ўтказилади.»;

2. 16-банддаги «тўловчига Йўриқномага асосан қайтариб берилади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 353-моддасига асосан тўловчига қайтарилади ёхуд дастлабки пул маблағлари ҳисобига ўтказилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3. 17-банддаги «Йўриқномага асосан тўловчига қайтариб берилади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 353-моддасига асосан тўловчига қайтарилади ёхуд дастлабки пул маблағлари ҳисобига ўтказилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4. 24-банддаги «Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 353-моддасига асосан тўловчига қайтарилади ёхуд дастлабки пул маблағлари ҳисобига ўтказилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5. 25-банддаги «Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 353-моддасига асосан тўловчига қайтарилади ёхуд дастлабки пул маблағлари ҳисобига ўтказилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6. 32-банддаги «Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 353-моддасига асосан тўловчига қайтарилади ёхуд дастлабки пул маблағлари ҳисобига ўтказилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7. 33-банддаги «Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 353-моддасига асосан тўловчига қайтарилади ёхуд дастлабки пул маблағлари ҳисобига ўтказилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8. 35-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона юк декларациясининг 47-графаси «Тўлов тури» устунда Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) мувофиқ алоҳида божхона божи турининг коди кўрсатилади.»;

жадвал чиқариб ташлансин.

9. 36-банднинг биринчи хатбошидаги «ваколатли банкда алоҳида депозит ҳисобини» деган сўзлар «ғазна ҳисоб варағини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.